



Xalq deputatlari Sirdaryo viloyati Kengashi

QARORI

2021 yil 15 mart

116/19-6-son

Guliston sh.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарор ва фармойишларида, Ҳукумат қарорлари ва баёнларида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, Инфратузилма объектларини қуриш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида вилоят маҳаллий бюджетининг 2021 йил ижроси давомида шаклланган қўшимча манбалар ҳисобидан маблағларни йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 126-моддаси, 2019 йил 9 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 589-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан Сир дарё вилояти маҳаллий бюджетининг 2021 йил ижроси давомида шаклланган қўшимча манбалардан фойдаланиш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддаларига мувофиқ Халқ депутатлари Сир дарё вилояти Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарор ва фармойишларида, Ҳукумат қарорлари ва баёнларида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш ҳамда ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, инфратузилма объектларини қуриш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида амалга ошириладиган харажатлар учун вилоят маҳаллий бюджетининг 2021 йил ижроси давомида шаклланган қўшимча манбалар ҳисобидан маблағ ажратиш юзасидан киритилган таклифлар **иловага** мувофиқ маъқуллансин.

2. Халқ депутатлари Сир дарё вилояти Кенгаши маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш ва тадбиркорлик масалалари бўйича доимий комиссиясига:

- 2021 йил туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларида шаклланган қўшимча манбалари ҳисобидан камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтиришини назоратга олиш;

- бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши ҳамда бюджет интизомига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш вазифаси топширилсин.

3. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси (Ж.Ғойибов), туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда 2021 йил учун Сирдарё вилояти маҳаллий бюджети даромадлари прогнозини ҳудудлар кесимида бажарилиши таъминлансин.

4. Марказий банкнинг вилоят бошқармаси (В.Тураев) тижорат банклари билан биргаликда, банкдан ташқари нақд пул айланишини кескин камайтириш ҳамда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни муддатида тўланиши юзасидан барча чораларни кўриб борсин.

5. Вилоят маҳаллий бюджети маблағларининг тақсимловчиларига ва вилоят ҳокимлигига Сирдарё вилояти маҳаллий бюджетининг параметрларида ажратилган маблағлар ижроси тўғрисида ва вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағлар тўғрисида ҳисоботларни Халқ депутатлари вилоят Кенгашига тақдим этиб бориш вазифаси юклатилсин.

6. Мазкур қарор ижросини ташкиллаштириш ва назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Каримовга ва Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси У. Сотиболдиевга юклатилсин.

Сессия раиси



М. Ходжиев

*Халқ депутатлари Сирдарё вилояти
Кенгашининг 2021 йил 15 мартдаги
116/19-б-сонли қарорига
илова*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти қарор ва фармойишларида,
Ҳукумат қарорлари ва баёнларида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш
ҳамда ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, инфратузилма
объектларини қуриш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида амалга
ошириладиган харажатлар учун вилоят маҳаллий бюджетининг 2021 йил ижроси
давомида шаклланган қўшимча манбалар ҳисобидан маблағ ажратиш юзасидан
киритилган
ТАКЛИФЛАР**

| Т/р | Кўрсаткичлар | Маблағ |
|------------|--|--|
| 1 | Ўзбекистон Республикаси Абминистрациянинг 2019 йил 31 июльдаги 02/2762-сонли хатига асосан Гулистон шаҳрида қурилаётган 630 ўқув ўринли умумтаълим мактабини қуриб фойдаланишга топшириш билан боғлиқ харажатларга. | лойиҳа-смета хужжатлари асосида |
| 2 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2693-сонли қарорига асосан ижроия ҳокимият органлари раҳбарларига хизмат уйлари қурилишидан юзага келган қарздорликларни қоплаш билан боғлиқ харажатларга. | Аниқ ҳисоб-китоблар асосида |
| 3 | Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 13 апрелда Сирдарё вилоятига ташрифи давомида берган топшириқлари ҳамда ўтказилган мажлис баёнига (2018 йил 25 апрелдаги 6981-хх сонли) асосан Сирдарё вилоятида йўл-транспорт ходисалари билан боғлиқ жиноятларни камайтириш мақсадида фото ва видео радарлар ўрнатиш харажатларига. | Аниқ ҳисоб-китоблар асосида |
| 4 | “Янгиер-Қурувчи” футбол клубининг асосий ўйинлари ўтказиладиган футбол майдонини таъмирлаш ва жиҳозлаш билан боғлиқ харажатларга. | Аниқ ҳисоб-китоблар ва лойиҳа-смета хужжатлари асосида |
| 5 | Сирдарё вилояти бўйича мусобақаларда иштирок этувчи спортчиларга қулайлик ва шароитлар яратиш мақсадида вилоят Жисмоний тарбия ва спорт бошқармасига 1 (бир) дона автобус сотиб олиш харажатида. | Шартнома асосида |
| 6 | Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2021 йил 12 февралдаги Ички ишлар вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган тарзда ўтказилган 8-сонли йиғилиш баёнига асосан, вилоят ички ишлар бошқармасида "102" автоматлашган тизимини (ситуацион марказни) жорий этиш билан боғлиқ харажатларга | Аниқ ҳисоб-китоблар ва лойиҳа-смета хужжатлари асосида |
| 7 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги ПҚ-3897-сонли қарорига асосан Сирдарё вилояти ҳарбий маъмурий сектори фаолиятини ташкиллаштириш бўйича Гулистон шаҳар ҳарбий чақирув пункти маъмурий биносини таъмирлаш билан боғлиқ харажатларга | Лойиҳа-смета хужжатлари асосида |
| 8 | Вилоят эндокринология диспансери биносини (вилоят кўз касалликлари шифохонаси жойлашган бинони) таъмирлаш билан боғлиқ харажатларга | Лойиҳа-смета хужжатлари асосида |